

Бефарқ ва лоқайд бўлманг, ташаббусни қўлга олиш вақти келди.



Энди Очиқ бюджет портали орқали ўзимиз қаерга ичимлик суви керак, қайси йўлни тузатиш керак, қайси боғча ёки мактабни таъмирлаш керак, таклиф бера оламиз. Ва таклифимизни маҳалладошларимиз қўллаб-қувватлаб, кўпроқ овоз берса, ўшанга пул ажратилади.

Ташаббуслар харажати 1 млрд сўмдан ошмаслиги керак.

Хўш, сиздачи? Таклиф борми? Унда нега қўл қовуштириб ўтирибсиз? Тезда [openbudget.uz](#) сайтига киринг ва ташабbus кўрсатинг. Давлат бюджетини керакли жойга ишлатилишида ёрдам беринг.

Таклифлар қуидаги мавзуларда бўлиши керак:

ичимлик суви таъминоти;

ички йўлларни таъмирлаш;

ёритиш тизимлари билан боғлиқ муаммолар;

мактаб, боғча, тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ижтимоий обьектларни таъмирлаш, моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш;

умумжамоат фойдаланишидаги обьектларни таъмирлаш ёки жиҳозлаш ва бошқалар.

Бефарқ ва лоқайд бўлманг, ташаббусни қўлга олиш вақти келди.

Термиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати